



ХИТОЙ БИЛАН ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Сиёсий-юридики комиссияси котиби Чэнь Вэньцин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Делегация раҳбари Чэнь Вэньцин давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини олий даражада қабул қилинган қарорлар асосида ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

га қарши курашда амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунларда бўлиб ўтган Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва хавфсизлик соҳасидаги Ўзбекистон - Хитой ҳамкорлик механизмининг биринчи йиғилиши натижалари юқори баҳоланди. Шунингдек, минтақавий кун тартибидеги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни қурилиш, таълим, туризм ва саноат соҳаларидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Маълумки, жорий йил 3 апрель куни Янги Тошкент шаҳрида илк иншоотлар қурилиши бошланганди. Давлатимиз раҳбари бу улкан лойиҳа илм-фан ва маънавият масканларидан бошланаётганига урғу бериб, "булар маърифатли жамият барпо этиш гоъямизининг асоси ва намунаси бўлади", деган эди.

Шулاردан бири - Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи ва Миллий маком марказини ўз ичига олган мажмуадир. У жаҳонга машҳур "Zaha Hadid architects" компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Булажак мажмуа ўзига хос дизайни ва функционалиги билан диққатга сазовор. Унда эстетика ва қулайлик моҳирона бирлаштирилиб, атроф-муҳит билан уйғунлик ҳосил қилади. Шу жиҳатлари билан мажмуа келгусида халқаро туризм масканларидан бирига айланади.

Янги Тошкент учун яна бир салоҳиятли гўша - Чирчиқ дарёси. Аҳоли ва меҳмонларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида унинг 6 километрга яқин қисмида дам олиш ҳудуди барпо этиш мўлжалланган. Бунинг учун қирғоқлар тартибга келтирилиб, кўк-ламузлаштирилди. Меҳмонхона, соғломлаштириш ва кўнгилочар масканлар қурилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янада мустақамлашиб бормоқда. Ушбу нуфузли ташкилот Бош конференциясининг 43-сессияси 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 мартдаги қарорига мувофиқ, бунга тайёргарлик бошлаб юборилган.

Тақдиротида шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда режалар тўғрисида ахборот берилди. Хусусан, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги маданий мерос объектларини асраш, улар бўйлаб саёхатлар ва кўргазмалар ташкил этиш чоралари кўриломқда. Меҳмонхоналар ва тадбирлар ўтказилаётган жойларда барча шароит яратилади. Сессия иштирокчиларнинг келиби кетиши, маданий тадбирлар, транспорт ва тиббий хизматлар мувофиқлаштириб борилади.


Ў.А.

СУБСИДИЯ КИМЛАРГА ВА ҚАНЧА МИҚДОРДА БЕРИЛАДИ?

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 23 сентябридан субсидия учун аризалар бериш бошланди.

Шу боис, юртдошларимизда бу борада турли саволлар туғилмоқда. Куйида ана шундай саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими Дилмурод РАЖАБОВдан жавоб олдик.

- Субсидия учун кимга ёки қаерга мурожаат қилинади?
- Субсидия олиш учун давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали (my.gov.uz/oz/service/325) ариза берилди.



анкета-ариза электрон тарзда тўлдирилади ва мазкур хизмат мутлақо bepул.

- Субсидия олиш учун даромад қанча бўлиши керак?
- Субсидия даромади юқори бўлмаган фуқаролар ёки оилаларга берилди. Ариза берувчи ва ёки унинг турмуш ўртоғининг (шу жумладан, қафил сифатида

келтирган яқин қариндошлари) ўртача даромад миқдори куйидагича белгиланган:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда - МХТЭКМнинг 2,7 бараваридан (2 млн 835 минг сўм) 8 бараваригача (8 млн 400 минг сўм);
Тошкент шаҳрида - МХТЭКМнинг 2,7 бараваридан (2 млн 835 минг сўм) 9,2 бараваригача (9 млн 660 минг сўмгача) бўлиши зарур.

- Даромади етмаса қандай йўл тутиш мумкин?

- Ариза берувчи ўзининг даромади етмаса, унинг хоҳишига кўра даромадлари ҳисоб-китобига яқин қариндошларининг ҳам даромадларини киритиши мумкин.

3 бет

Қурилиш индустрияси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан устувор вазифалар*

*23.09.2024 йилдаги қурилиш индустрияси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши юзасидан.

Сўнгги етти йилда қурилиш материаллари соҳасига

9 МИЛЛАРД ДОЛЛАР ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИЛДИ

5 МИНГГА ЯҚИН ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

94 МИНГГА ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.

Ишлаб чиқариш 2 қарра ўсди

Йиллик айланмаси

100

МИЛЛАРД СУМДАН ОШГАН КОРХОНАЛАР

150

ТАДАН ОШДИ

Сўнгги беш йилда қурилиш ишлари ҳажми 2 баробар кўпайди.



650

МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК янги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳисобига қурилишдаги импорт улушини

31% дан > 25% га туширишга эришилди

Қурилиш материаллари экспорт бозори 58 тага етди, хорижда 20 дан ортиқ савдо омборлари, 50 дан зиёд савдо дўконлари очилди.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматовнинг "Курилиш соҳаси Ўзбекистон иқтисодий ривожининг драйвери сифатида" мавзусидаги мақоласи Қирғизистон, Тожикистон, Украина ва Швейцария каби давлатларнинг расмий интернет нашрларида рус ҳамда инглиз тилларида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонаси сайтыда



Швейцарияда Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар хузуридаги Доимий ваколатхонаси веб-сайтида



Ўзбекистон Республикасининг Тожикистондаги элчихонаси сайты ва "Авеста" ахборот агентлиги сайтыда



Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикасидаги элчихонаси сайтыда



СФЕРА СТРОИТЕЛЬСТВА как драйвер экономического развития Узбекистана

Тоир АЛИМАТОВ, заместитель министра строительства и жилищно-коммунального хозяйства Республики Узбекистан.

По статистике, объем строительных работ в Узбекистане в первой половине текущего года вырос более чем на 10% по сравнению с 2023 годом и достиг почти 80 трлн сумов (на 26.08.2024г. \$1=12593,42 сум.) Доля этого сектора в нашем ВВП составляет более 6%, что свидетельствует о расширении масштабов строительных работ в стране и о стремительном развитии архитектурно-строительной отрасли как одной из ключевых составляющих экономики.

В прошлом году в рамках инвестиционной программы были выполнены строительные и реконструкционные работы на 2535 социальных и инфраструктурных объектах. Кроме того, в рамках системы "Инициативный бюджет" в 4700 объектах махаллелари реализовано строительство и благоустройство на сумму 5,5 трлн сумов.

Особенно важно отметить, что в последние годы достигнуты беспрецедентные результаты в строительстве современных жилых домов для нашего народа. С 2017 года было построено 7888 жилых домов, включающих в себя 394898 квартир общей площадью 26,05 млн квадратных метров, что подтверждает этот успех. В качестве продолжения этих работ в текущем году на территории площадью 2,5 тысячи гектаров возводятся 53 массива "Янги Узбекистан". За первые шесть месяцев этого года в этих массивах сданы в эксплуатацию 104 жилых дома на 4,2 тысячи квартир. В ближайшие пять лет более 250 тысяч семей будут обеспечены жильем в таких массивах.

Говоря о внедрении "зеленых" стандартов, энергосберегающих технологий, концепций "умный город" и "умный дом", необходимо особо выделить проект "Янги Тошкент". На территории площадью 420 гектаров будет создан "Центральный парк", в котором высадят 200 тысяч деревьев, чтобы создать удобную и здоровую экологическую среду для жителей столицы и гостей.

В реализации проекта будут использованы принципы "зеленого и безопасного города", предусматривающие удобные условия для передвижения пешеходов и велосипедистов. Для этого будут построены подземные парковки на 100 тысяч автомобилей, 14 современных тоннелей и 7 мостов через реки Чирчик и Корасу. Также важно отметить, что в Центральной Азии впервые будет построена тригенерационная станция, обеспечивающая выработку электроэнергии, отопление зданий зимой и их охлаждение летом. Все электрические, коммуникационные сети, газовые и водопроводные трубы будут проложены под землей. Благодаря применению водосберегающих технологий, потребление воды сократится вдвое. Стоки будут перерабатываться с использованием современных технологий и использоваться для полива и технических нужд.

В процессе строительства "умного города" внедряются самые передовые технологические решения и разработки в области цифровизации. В частности, технологический хаб, R&D, система управления городом на основе искусственного интеллекта, полное покрытие территории системой CCTV, анализ больших данных, отображение информации в геoinформационном виде, современные ситуационные центры для выявления рисков и угроз, а также концепции цифрового и когнитивного города.

Следует отметить, что Новый Ташкент планируется сертифицировать по экологическим стандартам "BREEAM" и "LEED".

При этом новые здания не будут выбрасывать вредные углеродные выбросы в атмосферу, а более 30% потребляемой энергии будет поступать из альтернативных источников, таких как солнечная, гидроэнергетика и переработка отходов. Быстрый рост строительной отрасли требует проведения глубоких реформ в соответствии с современными требованиями. За последние годы в строительной и жилищно-коммунальной отраслях было принято 55 президентских указов, 58 постановлений правительства и 11 законов.

В результате цифровизации всех 16 государственных услуг в области строительства и жилищно-коммунального хозяйства в рамках Национальной информационной системы "Прозрачное строительство", населению и бизнесу была предоставлена возможность получать услуги, не выходя из дома. Бумажная бюрократия и неудобства были устранены.

Внедрение информационно-коммуникационных технологий в сферу государственных услуг сократило общее время получения разрешений на строительство с 39 дней в 2021 году до 25 дней. Также был введен дистанционный комплекс-контроль над территориальными управлениями и отделами, ответственными за предоставление государственных услуг, что позволило сократить коррупционные риски в отрасли.

На рейтинговой платформе число строительных подрядных организаций увеличилось с 20140 в 2022 году до 23576 на текущий момент. В январе-мае 2024 года объем подрядных работ составил 59,1 трлн сумов, что на 7,2% больше, чем в прошлом году. В отрасли было выдано 380 лицензий и 16 аккредитационных свидетельств для осуществления деятельности в 5 видах деятельности.

В целях улучшения рейтинговых показателей и легализации деятельности организаций, доля теневой экономики в строительной отрасли сокращается. В электронном рейтинге количество специальной техники у существующих компаний удвоилось по сравнению с 2021 годом, а число занятых увеличилось на 58%.

Электронная тендерная платформа – это специальная система для проведения государственных закупок в строительной отрасли. Платформа интегрирована с системами министерств и ведомств, автоматически собирает информацию об участниках и оценивает предложения без вмешательства человека. Исключение человеческого фактора и установление открытых и прозрачных требований способствуют оздоровлению конкурентной среды среди строительных подрядных организаций. На электронной тендерной платформе было проведено 62355 тендеров с участием 13541 организации.

За прошедший период были рассмотрены процессы проектирования и экспертизы проектно-сметной документации в строительстве, и они были переведены в прозрачную электронную систему. Эти работы выполняются Респу-

бликанским центром экспертизы градостроительных документов при министерстве. Практика предоставления бумажных документов экспертным органам была полностью отменена. Электронная платформа "Экспертиза проектно-сметной документации" в рамках Национальной информационной системы "Прозрачное строительство" была полностью оцифрована и коренным образом обновлена.

В целях устранения конфликта интересов и предотвращения возможных коррупционных ситуаций была отменена функция направления отдельных категорий проектов на экспертизу в определенные регионы. Теперь автоматизированное программное обеспечение выбирает регион для рассмотрения проектов независимо, с учетом рабочей нагрузки региона. Платформа expertiza.mc.uz, запущенная в рамках Национальной информационной системы "Прозрачное строительство", интегрирована с электронными платформами других заинтересованных ведомств и организаций.

Система экспертизы была усилена для обеспечения соблюдения требований по сейсмической безопасности, устойчивости к землетрясениям и прочностных конструкций в проектной документации объектов. Во всех программах в первом полугодии 2024 года были представлены сводные экспертные заключения по более чем 6,3 тысячи проектов, полученных через электронную платформу. Экономия средств в результате улучшения проектных решений и приведения их в соответствие с нормативными требованиями, а также исключения необоснованных расходов из проектов составила 4 371,7 млрд сумов.

С помощью системы "Контроль строительства" были взяты под контроль более 28 тысяч объектов. Кроме того, проведено свыше 112 тысяч мониторинговых мероприятий. Следует отметить, что градостроительные документы, разработанные и утвержденные в рамках государственных программ, регулярно вносятся в Государственный информационную географическую систему градостроительства.

На сегодняшний день в эту систему включены 407 генеральных планов, 16 проектов детального планирования и 595 проектов организации архитектурного планирования территорий (АРПТ), информация обновляется регулярно и своевременно. Научно-исследовательский институт технического нормирования и стандартизации при Министерстве строительства и жилищно-коммунального хозяйства работает над совершенствованием нормативных документов и стандартов в строительной сфере. В этом направлении в первую очередь изучается международный опыт с целью адаптации нормативных документов и стандартов к европейским стандартам.

Важным шагом в этом направлении стало подписание 19 октября 2018 года меморандума о сотрудничестве между Министерством строительства и жилищно-коммунального хозяйства и Ми-

нистерством земель, инфраструктуры и транспорта Республики Корея (MOLIT) в рамках совместного проекта "Модернизация градостроительных норм и правил Узбекистана". В рамках этого сотрудничества запланировано модернизировать в период с 2022 по 2025 годы всего 256 градостроительных норм и правил, из них 20 в 2022 году, 82 в 2023 году, 102 в 2024 году и 52 в 2025 году на основе корейского опыта.

Для повышения прозрачности системы формирования цен в строительной отрасли и создания условий для внедрения сметных расчетов на основе объемных методов была внедрена электронная система "Национальный классификатор строительных ресурсов", которая интегрирована с электронными информационными системами товарно-сырьевой биржи и налогового комитета, чтобы обеспечивать актуализацию цен в реальном времени. На сегодняшний день в классификатор включены 177590 ресурсов, и этот процесс продолжается. Также была разработана мобильная приложение "Градостроительные нормы", предоставляющая широкий кругам обществу удобный доступ к техническим регламентам в строительной сфере и возможность свободного использования 120 градостроительных норм. Кроме того, на официальном веб-сайте института был сформирован реестр из 65144 стандартов.

С целью повышения квалификации специалистов в сфере градостроительства и жилищно-коммунального хозяйства, а также периодической оценки их знаний при министерстве был создан Институт развития компетенций. Институт разработал специальную учебную программу по обучению более 42 тысяч специалистов по 10 направлениям в области строительства и жилищно-коммунального хозяйства с участием специалистов из развитых стран. Учебные программы были разработаны совместно с зарубежными партнерами, в частности, турецкими экспертами, на основе международных стандартов, признанных Советом по аккредитации инженерии и технологий (ABET, США), и были аккредитованы Стамбульским техническим университетом.

Электронная система интегрирована с электронной системой Агентства по оценке знаний и квалификаций, что позволяет специалистам, завершившим обучение, проходить тестирование и получать сертификаты без участия человеческого фактора. Специалисты, набравшие достаточное количество баллов на тестировании, получают электронный сертификат с QR-кодом через Национальную информационную систему "Прозрачное строительство" и имеют право работать по соответствующему направлению в течение трех лет.

На сегодняшний день Институтом было переподготовлено всего 2381 специалиста, из которых 524 получили сертификаты после завершения курсов повышения квалификации.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Ҳар бир мурожаат эътиборда

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан жойларда онлайн қабуллар ташкил этилиб, аҳолининг коммунал соҳага оид мурожаатлари қабул қилинмоқда.



Хусусан, Янгиҳаёт тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган жонли мулоқотда ҳам вазир ўринбосари Озода Жўраева бошқарувидаги мутасаддилар, хусусан, сув,

иссиқлик, газ, электр энергияси таъминоти, соҳада назорат олиб борувчи инспекторлар ҳамда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқаруви ташкилотлари ходимлари ҳам иштирок этишди. Очик ва ўзаро конструктив мулоқот жараёнида янгиҳаётлик аҳоли вакилларининг 50 га яқин мурожаати қабул қилиниб, жараёндаёқ ижобий ечим берилди.

Бундай тадбирлар пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этилиши режалаштирилган.

Ҳамкорликда янги лойиҳа

Вазирлик ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда пойтахтимиздаги АҚШнинг Webster университети раҳбарияти иштирокида учрашув ўтказилди.

Унда курилишда лойиҳа бошқаруви, АҚШнинг халқаро курилиш кодлари (IBC)ни уйғунлаштириш, FIDIC – The International Federation of Consulting Engineers шартномаси бўйича мутахассисларни ўқитишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, ушбу йўналишлар бўйича қўшма лойиҳани амалга ошириш ва ҳамкорликда шартнома имзолашга

келишиб олинди. Таъкидлаш керакки, етакчи олий таълим муассасаларидан ҳисобланган Webster университети 1915 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг Осиё, Африка ва Европада филиаллари мавжуд.

Университетнинг Тошкентдаги филиали АҚШнинг таълим стандартларига мос дастурлар орқали талаба ва мутахассисларни тайёрлайди.

Инспекцияда кенгайтирилган йиғилиш



Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Таҳлилий ва танқидий руҳда бўлиб ўтган мулоқотда кўп квартиралы уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Хусусан, инспекция бошлиғи Сидрава Эшқувватов жорий куз-қиш мавсумига тайёрларик қўришда асосий эътибор кўп квартиралы уйларда истиқомат қилувчи аҳолига қаратилиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Маймунотларга кўра, 2024 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра инспекция томонидан 7 037 та кўп квартиралы уйларни ўрганиш натижасида 2 685 та қўнубузилиш ҳолатлари аниқланган. Қўнубузилиш ҳолатларини ихтиёрий равишда бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилган. 1 270 та қўнубузилиш ҳолатлари бўйича маъмурий жарима чоралари қўлланилган. Шунинг-

дек, кўп қаватли турар жой биноларидан аниқланган камчиликлар бўйича жорий йилда 3 056 та уйнинг ертўла қисми ўрганилиб, 658 та қоидабузарлик аниқланган ва 234 та ҳолатда маъмурий жарима чораси қўлланилган. Инспекция томонидан берилган мажбурий кўрсатмаларга асосан, 259 та қоидабузарлик бартараф этилган ҳамда мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича судга 83 та даъво аризаси киритилган.

Йиғилиш давомида кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудий инспекциялар фаолияти танқид қилинди ҳамда келгусида бундай сустқилишга йўл қўймаслик бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Лаборатория жиҳозлари такомиллашмоқда

Тошкент шаҳар Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси синов лабораториясида бугунги кунда 42 та усқуна мавжуд.

Ушбу усқуналар ёрдамида ғишт, арматура, пайвандлаш намуналари, металл алмага оширилмоқда. Шунингдек, келгусида янги, замонавий усқуналарни харид қилиш ҳамда ходимлар учун халқаро ўқув курсларини ташкиллаштириш бўйича ишлар кўриб чиқилмоқда. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси мутасаддилари томонидан лабораторияни такомиллаштириш масалалари тегишли мутахассислар билан муҳокама қилинди. Шунингдек, қурилиш ва уй-жой соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларнинг муаммолари ҳам ўрганилди.

Айни кунларда лабораторияда металл конструкциялар – рангли ва қора

Қурилиш индустрияси янада ривожланмоқда

АОКАда Қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси мавзусида брифинг ўтказилди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида қурилиш индустрияси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳа олдига турган долзарб масалалар ва уларнинг ечимлари бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йилнинг декабрь ойига қадар 13 та шахарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда 38 та шахарсозлик нормалари ҳамда қоидаларини рўйхатдан ўтказиб, амалиётга жорий этиш ишлари якунланди.

Ушбу норматив ҳужжатларда умумий техник меъёрлар ва талаблардан ташқари, асослар ва пойдеворлар ҳамда муҳандислик иншоотлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари, транспорт иншоотлари, гидротехника, энергетика ва мелиорация иншоотлари ҳамда тизимлари, шунингдек, шахарсозлик, турар жой ва жамоат бинолари йўналишларида лойиҳалаш, қуриш тартиблари халқаро талабларга мослаштирилди. Шунингдек, йил якунига қадар 16 қаватдан юқори бўлган бинолар қуриш бўйича Тошкент архитектура-қурилиш университети қошида алоҳида Конструкторлик бюроси ташкил қилиниши режалаштирилмоқда.

– Келгуси йилдан қурилишда “ресурс” усулидан воз кечилиб, “ҳажм” усулига ўтиш режалаштирилган, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов. – Гап шундаки, янги “ҳажм” усулининг жорий этилиши нафақат келажакдаги қурилиш учун дастлабки бюджетни ва унинг самарадорлигини аниқлашга, балки ундан тўғридан-тўғри лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичида фойдаланишга имкон беради. Бунинг натижасида лойиҳа-қидирув ташкилотларининг халқаро стандартлар асосида лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш, хизматлар қўламини кенгайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор инновацион дастурий таъминотларни жорий этиш имконияти яратилади.

Шунингдек, эндиликда ҳудудий архитектура-шахарсозлик кенгашиларида лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш, лойиҳаларни кўриб чиқиш муддатлари оптималлаштирилади. Бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарорига тегишли қўшимчалар киритилди. Унга кўра, Кенгаш

аъзолари сўровнома келиб тушган кундан бошлаб ўн бир иш кунни мобайнида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини келишди ёки салбий ҳулоса беради. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси Кенгашининг ишчи органи сифатида сўровномани уч иш кунинда лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини келишиб бериши зарур бўлган Кенгаш аъзоларига юборади.

Кенгаш аъзолари ўз ваколати доирасида беш иш кунинда лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини келишди ва унга эътирозлар бўлмаган ҳолатда QR код қўйилган ижобий ҳулосани юборди ёки келишишни рад этади. Хулоса берувчиларнинг барчасидан ижобий ҳулосалар олингандан сўнг тасарруфий бошқармалар уч иш кунинда аниқ ҳулосани аризага юборди. Бунда ариза берувчига электрон тизим орқали автоматик тарзда QR код қўйилган ҳулоса берилади. Кенгаш аъзоларининг жавобларида кўрсатилган хато ва камчиликлар тўғрилиб, такрорий ариза юборилганда ҳудудий бошқарма аввал ижобий жавоб юборган кенгаш аъзосига аризани қайта юбормаслиги мумкин. Ушбу жараён билан ортиқча оворагарчиликнинг олди олинади, муддатлар қисқаради ва хизматлар кўрсатиш сифати яхшиланади.

Бундан ташқари, эндиликда уй-жой сотиб олиш бўйича кафолатли “ескоко” тизими жорий қилинади. Бунда девелоперлар ўзлари кураётган уйлар сотувини ташкил қилиш бўйича банклар билан шартнома тузади. Бу уйларни олмақчи бўлган одамлар пулини қурувчига эмас, тўғридан-тўғри банкка топширади. Банклар эса йиғилган пулни қурувчига ресурс сифатида беради. Шунда банклар қурувчи ва харидор ўртасида кўприк бўлиб, уй-жойни ўз вақтида ва сифатли қуриб, эгасига топширишга кафил бўлади. Янги тизим Самарқанд шаҳри, Янгиҳаёт ва Сергели туманларида бир йил давомида тажрибадан ўтказилиши белги-ланди.

Албатта, амалга оширилаётган бу каби ислохотлар аввало, одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда турмуш фаровонлигини янада яхшилаш каби мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятlidir.

Ўз мухбиримиз.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

НОРИН ГЭСЛАР КАСКАДИ ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мухиддин МАҒЗУМОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш миқдори истезмолчилар талаби даражасига тенг ёки нисбатан ортиқ бўлсагина таъминот барқарор бўлади. Бу оддий арифметика. Шу боис, мамлакатимизда гидроэнергетика қувватларини янада кўпайтириш мақсадида гидротўплаш электр станцияларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишга қатъий эътибор қаратилмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ахборот хизмати маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 мартдаги “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2024-2030 йилларда республикамиздаги мавжуд гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш, янги гидроэнергетик қувватларни яратиш ва мавжудларини модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳалари доирасида Наманган вилояти Норин дарёсига умумий қуввати 228 МВт бўлган Норин ГЭСлар каскади қурилиши бошланди.

Яқинда Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов Уйчи туманидаги ўрганишлари жараёнида ушбу ГЭСлар каскади қурилишининг бо-ришини ҳам кўздан кечирди. Шу билан бирга, қурилиш жараёнларини ўрнаётган Туркиянинг “Dolsar” компаниясининг инженер консултантлари билан суҳбатлашди.

Мазкур каскад 6 та ГЭСдан иборат бўлиб, ҳар бирининг қуввати 38 МВтни (9,5 МВт қувватли 4 тадан гидроагрегат ўрнатилди) ташкил қилади. Бундай истиқболли лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида йилгига ўртача 1025 миллион кВт соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. Қурилиш ишларига 300 нафар муҳандис-мутахассис ва ишчи-ҳодим жалб қилинади. Сарфланадиган барча маблағ “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ҳисобидан молия-лаштирилади. Босқичма-босқич ГЭС-1 ва каскад



подстанцияси 2024-2025 йилларда, ГЭС-2 2025-2026, ГЭС-3 ва ГЭС-4 2026-2027 йилларда ҳамда ГЭС-5 ва ГЭС-6 қурилиши 2027-2028 йилларда амалга оширилади. Барпо этиш жараёни якунланиб, барча гидростанциялар тўлиқ қувват билан ишлаши натижасида йилгига қарийб 430 минг хонадон электр энергияси билан таъминланади. Бир йилда ўртача 277 миллион м3 табиий газ иқтисод қилинади. Бу орқали 133 киши доимий иш билан таъминланади.

Эслатиб ўтамиз: шу йилнинг 25 март кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Наманган вилоятининг Уйчи туманида қуввати 228 МВт бўлган Норин ГЭСлар каскади қурилишига старт берилган эди. Бундай истиқболли лойиҳа вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожини унун муҳим энергетик манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Эътиборга молик жиҳати шундаки, юқорида тафсилотлари баён қилинган барча ГЭСлар каскади республикада биринчи бор тўлиғича “Миллий ГЭС”га айланади. Чунки лойиҳа, таъкидлаб ўтилганидек, тўлиқ “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маблағлари ҳисобидан, маҳаллий лойи-

ҳалаштириш ва пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун зарур қуриладиган асбоб-ускуналар ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Тайёргарлик ишларининг барчаси “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан амалга оширилди ва зарурий ташкилий-амалий жараёнлар учун мустаҳкам база яратилди. Яъни, инновацион лойиҳалар, маҳаллий-лаштириш дастури доирасида Хитойнинг “Zhejiang Jinlun Electromechanic Co., Ltd.” компанияси билан ишчи ҳамкорликда Марказий Осиёда илк бор гидроагрегатларини ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда қуввати 40 МВтгача бўлган гидроагрегатлар “Made in Uzbekistan” миллий бренди остида “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг тизим ташкилоти ҳисобланган Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган мазкур қўшма корхонада ишлаб чиқарилади. Пировард натижада мамлакатимиз гидроэнергетик салоҳияти янада ортади ҳамда янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали тоза ва арзон электр энергия манбаини ишлаб чиқариш ҳажми кескин оширилади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Урганч Давлат педагогика институтини қуришда 7 қаватли 600 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи қуриб фойдаланишга топширилди. Давлат хусусий шерикчилиги асосида қурилган бино бутунги кун талабларига тўла жавоб беради.

3 гектар майдонда қад ростлаган бинода регистратор офиси, руҳшунос, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, маънавият хонаси, ошхона, кир ювиш хоналари бор. Мазкур бинонинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакиллари бутунги кунда олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида гапиришди. Тадбир иштирокчилари ётоқхонада яратилган шарт-шароитлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

– Талабалар турар жойи олдинги ётоқхоналардан тубдан фарқ қилади, – деди институт ректори Феруза Мадраҳимова. – Ётоқхонада талабаларнинг ўқишдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун барча шароит мавжуд. Тикиш-бичиш хоналари, кутубхона ва ўзига хос галерея ҳам ташкил этилган. Бу каби имкониятлар бўлгуси педагогларнинг малакаси мутахассис бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Талабалар турар жойида имконияти чекланган талабаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бинонинг ҳар бир қавати юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Дарсдан сўнг талабалар шахмат-шашка ўйнаб, телевизор кўриб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

113 йиллик кўприк

Хива хонлигида қадимдан кўприк ва йўллар қуришга эътибор қаратилган. 1910 йилда Исломуҳжа хонлиқда олиб борилиши зарур бўлган 10 банддан иборат давлат ислохот режасини ишлаб чиқди. Ислохот дастури ўша вақт учун тараққийпарварлик мезонлари асосида тузилган эди. Яна, Исломуҳжа Чоржўйдан Хивага темир йўли келтиришни ҳам режалаштирган эди.

Хоннинг топшириғига мувофиқ, ислохот дастури ишлаб чиқилиб, вази-фаси бош вазир Исломуҳжага юклатилди. Исломуҳжа бу масалани ўта масъулият билан ўрганиб чиқди ва ислохот лойиҳасини тайёрлайди. 1911 йилнинг 23 январидан уни Девонлар Кенгаши муҳокамасига киритади. Кенгашда ислохот лойиҳаси чуқур муҳокама қилинади ва маъқуллабнади.

Исломуҳжа топшириғи билан 1911 йилда Россиядан Полвонёв, Ҳозовот ва Шовот каналларини қуриш учун 3 та (баъзи манбаларда 4 та, баъзиларида 8 та) кўприкка етадиган темир конструкциялар келтирилди. Ушбу кўприклар Хива яқинида Полвонёв ва Ҳозовот каналларига қурилган. Исломуҳжанинг ўлими билан Шовот каналига қурилиш лозим бўлган кўприк қуриш қолган. Ушбу кўприк 1924 йили қурилиб бит-

казилган. Ўша пайтда барпо этилган кўприклар то 1960 йилгача халққа хизмат қилиб келди.

Кўшкўприк – Хива йўли энг қадимги йўллардан бўлиб, у ердан Буюк ипак йўли ўтган. Бу йўлдан Хива хонлари ўз тасарруфидоги узоқ музофотларга бориб-келиш учун ҳам ўтишган. Хива хонлиги даврида вазир Исломуҳжа ташаббуси билан Чор Россиясидан келтирилган темир кўприклардан бири 1911 йили Ҳозовот канали устига қурилган. Кўприк устунлар Амударё орқали кемаларда олиб келиниб, манзилга етказилган ҳамда кўс ва маҳаллий устунлар томонидан қурилган. Ушбу темир кўприкнинг қурилганига бу йил рунда па-роса 113 йил тўлади. Бугунги кунда ушбу кўприкдан одамлар тадбиркорлик объекти сифатида фойдаланишмоқда.

СУБСИДИЯ МИҚДОРДА ВА ҚАНЧА БЕРИЛАДИ?

◀ 1-бет

– **Субсидия ажратишда нималарга эътибор қаратилади?**

– Субсидия ажратишнинг мезонлари бор. Уларнинг биринчиси, юқорида келтирилган ойлик даромад миқдори.

Иккинчиси, аризачининг амалдаги турар жойининг мақоми:

- ижара (эр-хотиннинг ўз мулкида уй-жой мавжуд эмас);
- эгасининг руҳсати билан текин турар жой (эр-хотиннинг ўз мулкида уй-жой мавжуд эмас);
- ариза берувчининг ўз мулкида яққа тартибдаги уй-жойи мавжудлиги (яққа тартибдаги уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш учун).

Учинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим шахслар:

- “Labor-migration” дастурида рўйхатдан ўтган меҳнат мигранти;
- олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходими;
- ёш оилалар, шу жумладан, 30 ёшдан ошмаган фуқаролар;
- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар.

Тўртинчидан, ариза берувчи ва унинг оиласидаги шахсларнинг қуйидаги тоифага мансублиги:

- биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс;
- сурункали касаллиқнинг оғир турларидан азоб чекувчи;
- оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парвариш-лаётган.

Ижтимоий мезонлар асосида 30 (ҳами 50 балдан) ва ундан юқори балл тўплаганларга субсидия берилади.

– **Қайси ҳолатларда субсидия берилмайди?**

Қуйидаги ҳолатларда субсидия ажратиш рад этилади:

- аризада кўрсатилган маълумотлар ижтимоий мезонларга мос келмаганда;
- маълумотлар нотўғри ёки сохта бўлганда;
- илгари имтиёзли ипотека кредитлари асосида квартира ёки уй-жой ҳамда субсидия олганлар ариза берганда;
- жорий йилда ҳудуд учун ажратиладиган субсидия сони тугаганда;
- ариза берувчи ва(ёки) оиланинг ўртача ойлик даромади юқорида кўрсатилган даромаддан кўп ёки кам бўлганда.

Бошқа асослар билан рад этиш мумкин эмас, ариза рад этилганидан сўнг яна қайта мурожаат қилиш мумкин. Субсидия олувчилар кўп бўлганда, дастлаб биринчи ариза берганларга субсидия ажратилади.

– **Бошлангич тўлов ва кредит фоизи қанча?**

– Дастлабки тўлов учун 30 млн сўм субсидия берилади. Шунингдек, субсидия асосида олинган кредит фозизининг 12 фоизидан ошган қисми қоплаб берилади, илгари 10 фоиздан ошган қисмига берилган. 2025 йилдан бошлаб эса фақат Марказий банк асосий ставкасидан ошган миқдор қоплаб берилади.

– **Кредит миқдори қанча?**

– Субсидия асосида ажратиладиган кредит миқдори Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 330 млн, Тошкент шаҳрида эса 420 миллионни ташкил қилади. Субсидия асосида ажратилган кредит сотиб олинаётган уй нархиға етмаса, банклар ўз маблағидан кредит ажратиши мумкин. Масалан, уй нархи 600 млн, субсидия эса 420 млн, 180 млн етмаганини банк ўзи кредит сифатида беради ва фозизини ҳам муस्ताқил белгилайди. Ипотека асосида янги уй олаётганда кредитни сугурта қилиш бекор қилинган.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Янги марказ бунёд этилмоқда

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Республика ихтисослашган наркологиya илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят минтақавий филиали узок йиллар давомида мослаштирилган бинода фаолият кўрсатган.

Бу ҳақда бош шифокор ўринбосари Жўрабек Юсупов шундай дейди:

– Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ шифохона учун янги бино барпо этиладиган бўлди. Айни пайтда Шредер номидаги бондорчилик ва вичночилик хўжалиги ҳудудига бино қурилиши жадаллик билан олиб борилапти.

Руҳий саломатлик маркази ихтиёрий ва мажбурий қисмдан иборат бўлади. Барча шарт-шароитларни яратиш учун Баҳоидир Шеров раҳбарлигидаги “Жартепа қурилиш дизайн” МЧЖ қурувчилари чинакам ғайрат кўрсатмоқда. 200 дан зиёд ишчи-ҳизматчи бунёдкорлик ишлари билан банд. 36 та техника воситасидан унунли фойдаланилмоқда.

Буюртмачи, вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси мутахассисларининг таъкидлашича, шифохонанинг янги биноси 280 ўринга мўлжалланган. У олти қаватдан иборат бўлиб, 2,5 гектарлик ерда махсус лойиҳа асосида барпо этиляпти. Қурилиш-монтаж ишлари учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланади. Айни пайтда бунёдкорлар қурилиш ишларини тезроқ якунлашга эътибор қаратишган. Улар имкон қадар замонавий ва тежамкор қурилиш материаллари, ихчам жиҳозлардан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Самарқандга ярашган бино

Самарқанд Давлат университетининг интеллектуал тизимлар ва компьютер технологиялар факультети учун 1000 ўринли ўқув биноси қурилмоқда. Табиийки, бу объектнинг ишга туширилиши СамДУ нуфузини янада ошириш билан бирга қўшна шаҳар кўркига-кўрк қўшиши шубҳасиз.

Буюртмачи Самарқанд вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК томонидан олиб борилаётган юқоридаги лойиҳа ўзига ослги ва кўриниши билан ажралиб туради. А. Ҳаниев раҳбарлигидаги “House grand” МЧЖ томонидан тайёрланган лойиҳа улуг аллома ва мутафаккир Мирзо Улугбекнинг машҳур расадхонасига монандлиги билан кишини мафтун этади.

Пудратчи ташкилот “Камила” МЧЖ мутахассислари бу ерда бажарилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб беришти. Шероз Нарзикулов раҳбарлигидаги бунёдкорлар жадал ишлаётган экан. 70 нафар ишчи-ҳизматчидан иборат жамоа бинони ўз мuddатида фойдаланишга топшириш учун чинакам жонбозлик кўрсатаётганлигини уларнинг ғайрат-шжюатидан сезиш қийин эмас. 32 миллиард сўмга тенг маблағ бўлади. Ана шу маблағ ҳисобига шаҳар марказида яна бир кўркам ва мухташам бинонинг қад ростлаши қувонарли ҳолдир.

Ватанга муҳаббат инсонда фахр-ифтихор туйғусини шакллантиради

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ, журналист.

Тарих учун жуда қисқа вақт саналувчи ўттиз уч йилда мафтункор Фарғона вилоятининг Риштон туманида ҳам мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Туман марказидаги яшаш учун хавфли ва талабга жавоб бермайдиган бинолар ўрнига замонавий, кўркам объектлар қад ростлади.



лоти ва ҳар бири 25 ўриндан иборат 250 ўринли 10 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти ишга туширилади. Ушбу муассасаларни ташкил этиш орқали туманда қамров даражаси 90 фоизга етказилади. Дашт Пандигон МФИ худудда жойлашган 57-умумтаълим мактаби Инвестиция дастурига асосан реконструкция қилиниб, 360 ўринли янги ўқув бино, 12x24 ўлчамли спорт зали қуриб фойдаланишга топширилди. Янги ўқув биноси қурилиш натижасида қамров 0,6 коэффициентга пасайди.

Аҳолига тиббий хизматни янада яқинлаштириш мақсадида "Дашт тегирмон", "Оқ томир", "Сўхобод", "Янги авлод", "Урикзор" маҳалла фуқаролар йиғинларида контейнерлар ўрнатилди ва ҳозирги кунда аҳолига амбулатор шарафидан хизмат кўрсатишмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Зоҳидон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги юқумли касалликлар ва туғруқ бўлимлари, "Янги авлод", Чунғара ва Амиробод кишлоқ врачлик ҳамда 44-сонли оилавий шифокорлик пунктлари реконструкция қилиниб замонавий ҳолатга келтирилди. Шунингдек, 2 та "InVivo" ва "City hospital" хусусий тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди.

2024 йилда туманда 13 та 669 хонадонли, кўп қаватли уй-жойлар қуриш ҳисобига 8,4 млрд сўмлик "Нурафшон" массиви худудда "Янги Ўзбекистон" массивини барпо этиш учун 171 гектар ер майдони ажратилиши режалаштирилган бўлиб, бу ерда 7 та 9 қаватли 504 хонадонли ҳамда 6 та 7 қаватли 168 хонадонли турар жой бинолари қурилади. Ишнинг биринчи босқичида 7 та 9 қаватли турар жой биноси

тадбиркорлар томонидан қурилади кўзда тутилган ва айти кунларда уларнинг қурилиш ишлари бошланган. Чинни ва керамика йўналиши маҳаллий саноатнинг етакчи тармоғи ҳисобланиб, ушбу йўналишдаги 400 дан ортиқ корхоналарда 10 000 дан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўрни яратилган.

Юқоридаги барча қурилиш-бунёдкорлик ишлари асосан тумандаги "Риштон бино қурилиш" МЧЖ, "Риштон таъмир" МЧЖ, "Мадина" МЧЖ, "Осиё люкс таъмир" МЧЖ қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда. Қўли гул қурувчилар замонавий ва кўркам уйлар қуриб, аҳолини рози қилиш пайида.

Улардан бири – Музаффар Расулов қурилиш фаолиятини олиб борадиган "Мадина" масъуляти чекланган жамияти раҳбари. 2005 йили Тошкент темир йўллар институтини тамомлаган. Анча вақт Тошкентда фаолият юритиб, 2017 йилда узоқ йиллар қурилиш соҳасида ишлаб, нафақага чиққан отаси Раҳматжон ака Хўжамқелдиевнинг хахалига сабаб корхонада иш бошлаган.

– Раҳматли дадамдан кўп нарсани ўрганганман, – деди Музаффар. – У киши бутун ҳаётини фақат қурилишга бағишлаган эди. Касбини жон-дилдан севгани учун кўп йиллар ўзи ишлаган ташкилот базасида ҳозирги жамиятни ташкил қилиб, вилоятимизнинг кўплаб туманларида ижтимоий, маъмурий ва аҳоли учун кўплаб замонавий бинолар қурган. Кўпинча хизмат юзасидан кўшни туманлар ёки бошқа шаҳарларга борсам, дадам қурдирган биноларга кўзим тушади ва у кишини кўргандай бўламан. У қурдирган уйларда юртдошларимиз яшаётти. Демак, дадамнинг меҳна-

ти самараси ҳали узоқ йиллар одамларга қувонч бағишлаши бор гап.

Баъзан кўча-кўйда мен танимаган одамлар сиз "Мадина"да ишлайсиз-а, деб сўрашади. "Ҳа", десам кўлимни маҳкам қисиб "Раҳмат, сиз қурган уйларга гап йўқ, умрингиздан барака топинг" деб қўйишди. Шунда менинг ва жамоамнинг қишининг изгири-ни-ю ёзининг жазирасида ҳам объектни муддатидан топшириш учун қилинган барча заҳматлар чиқиб, касбимдан фахрланиб кетаман.

Ёш раҳбар Музаффар Расулов келгусида қурилиш учун ишлатиладиган маҳсулотларни ўзда ишлаб чиқаришни мақсад қилган. Яъни, жамият ишчи-хизматчилари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида "Нурафшон" массивида 5 қаватли, 40 хонадонли уйни қуриб, фойдаланишга топширишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Атиги бир ярим йилда қуриб битказилган мазкур замонавий бинода айти кунларда пардозлаш ишлари якунланган деб қолди. Бу ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган Нозимжон Маҳмудов, Дилшод Розиков, Бобур Маҳмудовларнинг ҳиссалари бекиёс. Бугунги кунда қурилиш соҳасида катта тажрибага эга бўлган бу усталарнинг ҳар бирида 3-4 нафардан шогирдлар устозлари қаторида меҳнат қилишмоқда. Бундан ташқари, бригадирлардан Шухратжон Солиев, Раҳмонжон Султонов ва Маъмуржон Низомовлар ишда аввало, сифатга эътибор қаратишди, ҳар бир юмушни доимий назорат қилиб боришди.

Массивда яна 30 та янги турар жой биносини қуриш режалаштирилган. Бунинг учун 10 та қурилиш ташкилоти ташлаб олинган. Уларнинг 5 таси Риштон туманидан бўлса, қолгани кўшни туманлардан. Яқинда бўлиб ўтган тендер савдосида "Мадина" ютиб олган 9 қаватли турар жой биносидан қурилиш ишлари бошланди. Жамоа аъзолари мазкур бинони 2025 йилнинг кузига фойдаланишга топширомоқчи.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги беш йил ичида юқоридagi турар жой массивида бугунги кунда ҳаёт қайнаётган 8 та кўп қаватли уйни айтин "Мадина"чилар қуриб битказишган. Ёш прораблардан Зокиржон Жўраев ҳам кўп йиллар устозларидан касб сир-асрорларини ўрганган ва уларнинг дуолари билан мустақил фаолият олиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг март ойида Фарғонадаги "Эко шаҳар"да ҳар бири 7 қаватли, 42 хонадонли 2 та уйни қуриб, фойдаланишга топширишда у бosh-қosh бўлди. Бундан ташқари, Зокиржон раҳбарлигидаги бунёдкорлар яқин кунларда "Эко шаҳар"да яна 16 қаватли турар жой биноси қурилишини бошлаш арафасида.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Хидоят, Давронжон Адил, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Қозим Туляганов, Юлдаш Магмуров, Жамшид Исмаилов, Бобур Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан **нашрга тайёрланди.**

"ЎЗБЕКISTON БУНЫОДКОРИ" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** **МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАСҲЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-941.
1508 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Набатчи муҳаррир – Р. Хўжаева,
Набатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни –
Топширилди – 23.30.

12 3 4 5 6

Янгиланган зиё масканлари

Шухрат НОРМУРДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Навоий шаҳрида жойлашган 23-, 2- ва 10-умумтаълим мактаблари ўқувчилари янги ўқув йилини капитал таъмирдан сўнг янгича қиёфага кирган замонавий масканларда бошлашди.



660 ўринли 23-сонли мактабда 18,5 млрд сўмлик умумий таъмирлаш ишлари, 10-умумтаълим мактабда эса умумий қиймати 1 млрд 229 млн сўмлик дераза ромларни янгиларига алмаштириш ва пардозлаш ишлари, 2-умумтаълим мактабда эса

7,5 млрд сўмлик тўлиқ капитал таъмир ва янги стадион қуриш ишлари амалга оширилди.

Ушбу мактабларда асосан, хорижий тиллар ва мутахассислик фанлари, IT ва замонавий касблар чуқурлаштириб ўргатилади.

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2024 йил 23 августдаги 69-70 (822-823)-сонидан чоп этилган Андижон вилояти қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази ДМ томонидан берилган эълондаги ЛОТ рақами **MOEI-RIDP-AND-CS-100. Улучшение электроснабжения МСГ "Какир" Булакбашинского района Андижанской области** объектига лойиҳачи ташкилотни танлаш бўйича ўтказилиши

кутилаётган танлов савдолари буюртмачи ташкилот Андижон вилояти ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси" ДУКнинг талабига асосан бекор қилинди.

Кўшимча маълумот учун қуйидаги ташкилотга мурожаат қилиш мумкин: Андижон вилояти қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази ДМ.

Телефон: 74-223-57-05.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик тизимида узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи маслаҳатчиси Лев Николаевич Фарадьянга турмуш ўртоғи

Татьяна Петровна ПАВЛЕНКОнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МЎБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил сентябрь ойининг сўнги кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Котибиёт бosh мутахассиси **Абдулазизбек Азиев**, Кўп хонадонли уй-жой фондидан бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Обиджон Мўминов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартиралли уй-жой фондини умумий фойдаланишдаги жойларнинг таъмирланишини назорат қилиши мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Сўхроб Умаров**, "Shaharozlik хujjatlari ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ етакчи мутахассислари **Шокир Худайбердиев**, **Ғайрат Усманов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти директор уринбосари **Жамшид Саидов**, бosh бухгалтер **Ғолибжон Худойбердиев**, мутахассиси **Юсуфбек Нигматов**, "Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси "Жанубий" филиали етакчи муҳандиси **Усмонбек Хурсандов**, "Қашқадарё" филиали бош мутахассиси **Лазиз Холмуродов**,

"Ташгирпрогр" АЖ сектор раҳбари, бosh мутахассиси **Надежда Григорьева**,

"Ўзгирсаноатлойтиха" СМО техниги **Ильмира Разикова**, ВК гуруҳ бошлиғи **Алла Наумова**, ООРП етакчи муҳандиси **Алишер Холмуротов**, ОРОП кадрлар бўйича инспектор **Умида Якубова**, СВА аудитори **Эрбол Талжибаев**, ОИСК етакчи мутахассиси **Суръат Рашидов**, ОИСК етакчи муҳандиси **Марат Кучкарбаев**,

"O'zshaharozlik LITI" бosh лойиҳа институти ДМ Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Нигора Расулматова**, "Фарғона" филиали архитектори **Ислоббек Орифонов**, Хўжалик ва дастурий-таъминоти бошқармаси фарроши **Дилфуза Алиева**, "Сирдарё" филиали лойиҳа бosh архитектори **Абдусатт Акбуттаев**,

"QO'QON LOYIHA-QURILISH" МЧЖ бosh директори **Салим Юлдашев**, бетончи **Азиз Ходжаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Қонлиқул тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектори **Абдирахим Юсупов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси фарроши **Замира Абдуллаева**, "Shaharozlik хujjatlari ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ етакчи мутахассиси **Садрдин Сейбуллаев**,

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бosh мутахассиси **Алишер Қўшмуродов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси юридик бўлими бошлиғи **Садриддин Шодиев**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бosh бухгалтер **Ғулном Холбеков**, Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Сардор Мирзақаримов**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборантлари **Азимжон Шерматов**, **Даврон Шаропов**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бosh мутахассиси **Фаррух Иргашев**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бosh бошқармаси бosh мутахассиси **Файзуллохон Сайдумаров**,

"Shaharozlik хujjatlari ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Сирдарё вилояти филиали мутахассиси **Шерали Джўраев**, хайдовчи **Суннатullo Абдумунинов**,

Фарғона вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори **Алишер Иргашев**,

Бухоро вилояти Бухоро туманидаги "New idel sity" БСК МЧЖ бosh директори **Суннат Раҳматов**, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги "Ҳаёт коммунал махсус" БСК МЧЖ бosh директори **Гулнора Аманова**, "Жаҳонгир янги қурилиш" БСК МЧЖ бosh директори **Темур Мўминов**,

Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Касби-Муғлол Бошқарув сервис" МЧЖ бosh директори **Аҳадилло Равшанов**, Нишон туманидаги "Профессионал Бошқарув компания" МЧЖ бosh директори **Жамшид Қобилов**,

Сурхондарё вилояти Қизирик туманидаги "Қизирик сервис" БСК МЧЖ бosh директори **Феруз Рашидов**,

Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Xisogak Mangu quyosh" БСК МЧЖ бosh директори **Махмуддин Сирожидинов**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Dilnur kommunal" БСК МЧЖ бosh директори **Дилшод Бекмуратов**, Олмазор туманидаги "Olmazor Holding Grant" БСК МЧЖ бosh директори **Аскар Арсланхаджаев**, "Exclusive House service" БСК МЧЖ бosh директори **Дилфуза Қудратова**, Яшнобод туманидаги "JMM GRIN" БСК МЧЖ бosh директори **Жавоҳир Каримов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз!

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!